ЭКЗЕМПЛЯР Ф. Б. ТашГУ Читального зала

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 115 (3597). | Якшанба, 11 июнь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА БЕЛОРУССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ТАНТАНАЛИ ЯКУНЛАНДИ.

Декада белорус ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва биродарлик байрамига айланди.

МОСКВАДА УЧРАШУВ

Шу йил 9 июнь куни Москвада социалистик мамлакатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси Коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Учрашувда Яқин Шарқдаги аҳвол масаласи кўриб чиқилди.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ЮГОСЛАВИЯ СОЦИАЛИСТИК ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ ҲАМДА ҲУКУМАТЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Шу йил 9 июнь куни Москвада қуйидаги социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматларининг раҳбарлари тўпландилар: Болгария Халқ Республикасидан ўртоқ Тодор Живков — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, ўртоқ Живко Живков — Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Венгрия Халқ Республикасидан ўртоқ Янош Кадар — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ўртоқ Ене Фок—Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси, Германия Демократик Республикасидан ўртоқ Вальтер Ульбрихт—Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси, ўртоқ Вилли Штоф — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси, ўртоқ Герман Аксен — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, ГБСП Марказий Комитетининг секретари, Польша Халқ Республикасидан ўртоқ Владислав Гомулка — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ўртоқ Юзеф Циранкевич — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси.

Совет Иттифоқидан ўртоқ Л. И. Брежнев — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ўртоқ А. Н. Косигин—КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси, ўртоқ Н. В. Подгорний — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Чехословакия Социалистик Республикасидан ўртоқ Антонин Новотний — Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ўртоқ Иозеф Ленарт—ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси, Югославия Социалистик Федератив Республикасидан ўртоқ Иосиф Броз Тито — Югославия Коммунистлар союзининг Раиси, ЮСФР президенти, ўртоқ Владимир Попович—ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси.

Учрашув қатнашчилари муайян империалистик кучлар, биринчи навбатда АҚШнинг Араб давлатларига қарши тил бириктируви натижасида Исроилнинг агрессияси туфайли Яқин Шарқда вужудга келган аҳволни кўриб чиқдилар. Учрашув қатнашчилари агрессияни даф этиш ва унинг умумий тинчлик ишига кўрсатадиган хавфли оқибатларининг олдини олиш учун зарур бўлган чоралар ҳақида фикрлашиб олдилар.

Учрашув қатнашчилари Исроилнинг хавфсизлик кенгаши қарорига бўйсунмай, араб давлатларига қарши уруш ҳаракатларини тўхтатмаётганлигидан тегишли хулосалар чиқариб олиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Исроил қўшинларининг араб давлатлари территорияларини босиб олишидан чет эл мустамлака режимини тиклаш учун фойдаланилган бўлади.

Сурия ҳукумати ўт очишни тўхтатганлигини билдирганлигига қарамай, Исроил қўшинлари 9 июнда Сурия чегарасида янги ҳужум бошлаб, Сурия шаҳарларини ваҳшиёна бомбардимон қилмоқда.

Араб мамлакатларининг халқлари ўз озодлиги, мустақиллиги, территорияларининг бутунлиги учун, ўз ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига тааллуқли барча масалаларни мустақил ҳал этишдек ажралмас суверен ҳуқуқлари учун империализмга қарши курашар эканлар, адолатли ишни ҳимоя қилмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг халқлари тамомила уларнинг ёнини олади.

БАР халқлари ва бошқа бир қанча араб мамлакатларининг халқлари сўнгги йилларда миллий мустақиллик ва озодликни қўлга киритиш соҳасида улуғ тарихий ғалабаларга эришдилар. Меҳнаткаш омма манфаатларини кўзлаб, муҳим ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди.

Биз араб халқларининг йўлида учраётган қийинчиликларга қарамай, бу ғалабалар сақлаб қолинади, прогрессив режимлар мустаҳкамланади, деб ишонч билдирамиз.

Араб шарқи давлатлари учун оғир бўлган мана шу дамларда социалистик мамлакатлар араб давлатларининг адолатли кураши билан батамом ва тўла бирдам эканликларини билдирадилар ва агрессияни даф этиш ҳамда миллий мустақиллик ва территориал бутунликни ҳимоя қилишда уларга ёрдам берадилар, деб айтадилар.

Учрашувда қатнашган давлатлар Исроилнинг қўшни араб мамлакатларига қарши олиб бораётган уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишини, бутун қўшинларини уларнинг территорияларидан яраш линияси нариёғига олиб чиқиб кетишини талаб этадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчи — агрессорни қоралашдан иборатдир. Хавфсизлик кенгаши тегишли чораларни кўрмаса, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари сифатида ўз бурчини бажармаган давлатлар зиммасига оғир масъулият тушади.

Барча тинчликсевар ва прогрессив кучларнинг, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги ишини қадрли деб билган барча кишилар бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра қатъийроқ биргалашиб ҳаракат қилмоқлари зарур.

Башарти Исроил ҳукумати агрессияни тўхтатмаса, қўшинларини яраш линиясининг нариёғига олиб чиқиб кетмаса, мазкур баёнотга имзо чеккан социалистик давлатлар араб мамлакатлари халқларининг агрессорга қатъий зарба бериши, ўзининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши Яқин Шарқда уруш ўчоғини ўчириши, бу районда тинчликни барпо этиши учун зарур бўлган барча чораларни кўрадилар.

Араб халқларининг адолатли кураши тантана қилади!

ҚАҲРАМОН ДАЛАСИДА

«Юбилей йилида 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» кўтарамиз!» — бу Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашор Усмонов ошлиқ комплекс механизациялашган звеноси деҳқонларининг юбилей йилидаги шиори. Звено пахтакорлари ана шу катта мақсадларига эришиш нияти билан ҳозирги долзарб кунларда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар ва ғўзаларини кўнгилдагидай ривожлантирмоқдалар. Ушбу суратларда звено бошлиғи Абдубашор Усмонов ва унинг даласида суғориш пайтини кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).



МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК САМАРАСИ

Бу йил колхозимиз аъзолари 4910 ўринга 5300 тонна пахта ҳосили етиштиришга астойдил бел боғлаганлар. Бу юбилей йилида 1695 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 ўринга 32 центнердан ҳосил етиштириш, ҳосилдорликни 3 центнердан кўтариш демакдир. Колхозимизнинг ҳар бир механизатори, ҳар бир колхозчиси астойдил ва фидокорона меҳнат қилиб, меҳнат натижаларининг самарали бўлишига эришмоқдалар. Агар одамлар кўнгил қўйиб астойдил меҳнат қилмаса ҳар қандай ишнинг натижаси яхши бўлмайди. КПСС Марказий Комитети март Пленуми ва партиямизнинг тарихий XXIII съезди моддий рағбатлантириш ҳар бир кишининг меҳнатга бўлган иштиёқини баланд даражага кўтаришда беҳад катта роль ўйнайди, деб айтилган. Бу қарорлар туфайли қишлоқ хўжалигида катта бурилиш ҳосил бўлди. Колхозларда хўжалик ҳисобининг жорий этилиши, моддий рағбатлантириш тадбирларининг амалга оширилиши кишиларни янгидан-янги меҳнат зафарларига отлантирмоқда.

Ҳозирги шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби илгаригига нисбатан тубдан ўзгариб кетди. Эндиликда колхозчилар ҳам, механизаторлар ҳам ҳосилдорликни оширганликларига, етиштирган пахтанинг сифатига, сарф-ҳаражатларни қанчалик камайтирганликларига қараб ҳақ оладиган бўлиб қолганлар.

Мисол учун Қоравой Эшмуҳамедов билан Камол Муҳаммедов бошлиқ звеноларнинг бултурги иш натижаларига бир назар ташлаб кўрайлик. Эшмуҳамедов бошлиқ звено аъзолари 34,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 ўринга 45,4 центнердан ҳосил кўтардилар. Пландаги 40254 сўм ўрнига 53001 сўм даромад олдилар. Технологик картада кўрсатилган сарф ҳаражатлардан 227 сўм тежаб қолинди. План бажаргани учун 1189 сўм, пландан ортиқ даромаддан 6529 сўм звено аъзоларига берилди. Бироқ биринчи сорт пахта звенода 71,2 процентдан ошмади. Шундай қилиб бир иш кунига 3 сўм 72 тийиндан тақсимланди. Агар етиштирилган пахтанинг сорти ошиқроқ бўлганда звено аъзоларининг оладиган ҳақлари бундан ҳам анча кўп бўлур эди. Демак колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун юқори ҳосил олишгина кифоя қилмайди. Унинг таннархини арзонлаштириш, юқори сортли пахта етиштириш, сарф-харажатларни кўпроқ камайтириш ҳам лозим.

Камол Муҳамедов бошлиқ звено гарчанд ҳар гектар ердан 35 ўрнига 36,7 центнердан ҳосил олган бўлса ҳам, пул даромади пландагидан 6500 сўм кам бўлди. Чунки бу звенода фақат 58,9 процент пахта биринчи сортга қабул қилинди. Шу туфайли иш кунига олган ҳақлари анча кам бўлди.

Илгариги вақтларда колхозчилар қай ҳилдаги ишни бажариб, қанча ҳақ олишини билмас эдилар. Ҳозир эса колхоздаги ҳисоб-китоб ишлари, дала ишларининг ташкил этилиши шундай аниқ ва равшан қилиб қўйилганки, механизатор ҳам, сувчи, оддий колхозчи ҳам 15 куни ишлаганда неча сўм ҳақ олишини аниқ билади. Механизатор звено бошлиқлари, сувчилар ва оддий колхозчиларнинг оладиган ойлик иш ҳақлари маълум. Масалан, механизаторлар ер майдони, етиштирадиган ҳосилига қараб 110 сўмдан 150 сўмгача, сувчилар 100, колхозчиларга қозиқ қоқиб бўлиб берилган ери миқдорига қараб 60—70 ва 80 сўмгача ойлик берилади.

Пахта қурти боқилаётган вақтда ғўза парвариши орқага сурилиб кетарди. Ягона кечикарди. ғўзани ўт босиб кетарди. Бу йил колхозимизда 300 қути пилла қурти боқилган, 14 тоннадан кўпроқ пилла топширилган бўлишига қарамай ғўзани ўт босмади, ягона кечикмади. Пахтачилик иши нормал давом этди. Бунга ишнинг тўғри ташкил этилгани, ҳақ тўлашда мақсадга мувофиқ қатъий тартиб ўрнатилганин туфайли эришилди.

Айниқса ҳар бир кишининг кучига, қобилиятига қараб ер бўлиб берилиши уларнинг ишга бўлган масъулиятини ошириб юборди. Қурт боқкан кишилар ҳам ғўза парваришини ташлаб қўймадилар. Қурт боқишга ҳам, ғўза парваришига ҳам вақт топдилар.

Ҳозир далаларни айланган киши ҳеч ким билан гаплашмай кимларни астойдил ва виждонан ишлаётганини дарҳол билиб олади. Чунки колхозимизда 43 та звено бор. Шундан 8 таси нарядсиз звено. Нарядсиз звенолардан ташқари ҳамма звено аъзоларига 11 минг та қозиқ қоқиб ерлар ажратиб берилган. Ҳар бир кишининг иш жойи тайин. Улар ишнинг яхши, сифатли бажарилишига жавобгар.

Колхозимизда моддий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бирга қилинган ишларнинг сифатли бажарилишига жуда катта эътибор қилинмоқда. Эндиликда табелчини сводкасига қараб эмас, балки далада қилинган ишнинг сифатига қараб ҳақ тўланади. Колхоз новаторларидан, агроном ва механизаторлардан иборат комиссия далада ишни қабул қилиб олгач ҳақ ёзилади. Иш брак бўлса, уни тузатмагунча ҳақ бериш тўхтатиб турилади. Яқиндан бери колхозимизда янги тартиб ўрнатилди: ишни қабул қилиб олган кишининг ўзи пул берадиган қилиб қўйилди. Бу ҳам ижобий натижалар бера бошлади.

Эгамберди Бойназаров илгари табелчи эди. У қишлоқ хўжалик институтини сиртдан ўқиб тамомлади. Ҳозир у 140 гектар пахта майдонига эга бўлган участкага бошчилик қилмоқда. У ишни шундай ташкил этдики, ҳозир далани айланиб чиқиб дона бегона ўт тополмайсиз. Кўчат тўла. Бу ердаги звено бошлиқларидан Ю. Эргашев, А. Юсупҳамедов, А. Ҳидиров сингари механизаторлар моҳирона ишламоқдалар.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Сарвар Шохбозов **«Кўчатни ўқотиш бехуда ишлаш билан баравар»** деди. Бу гап ҳамма механизаторларимизнинг, колхозчиларимизнинг шиори бўлиб қолди. Янгича ҳақ тўлаш тартиби **«кўчатни камайтирсанг ҳақинг ка-маяди»** деган гап эканинги ҳамма тобора чуқурроқ тушуниб бормоқда. Янгича ҳақ тўлаш тартиби одамларни қайта тарбиялаяпти. Меҳнатга онгли муносабат кучайиб бораяпти. Чунки одамлар ишга шундай муносабатда бўлсалар ҳар қандай вазифани бажариш қийин эмас. Шунинг учун биз астойдил, ишонч билан юбилей йили мажбуриятларини сўзсиз бажара оламиз, демоқдамиз.

Маҳмуд ПЎЛАТОВ,
Янгиқўл районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси,
Умматали НОРМАТОВ,
колхознинг бош бухгалтери.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ОҚҚУРГОН. Энгельс номли колхознинг далаларида иш қизғин. Пахтакорлар юбилей вахтасида туриб меҳнат қилишмоқда. Звенолар ўртасида мўл ҳосил етиштириш юзасидан авж олган. Қаторлар пахтакорларга биркитиб қўйилган. Шунинг учун ҳам ғўзалар бегона ўтдан тоза ҳолда яхши ривожланмоқда. Социалистик мусобақада ўртоқ Я. Мирзатов бошлиқ комплекс механизациялашган звено аъзолари пешқадамлик қилишмоқда. Звенонинг 58 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектар ердан 23 ўрнига 27 центнердан хирмон кўтариш учун қизғин курашилмоқда. Бу ерда ҳар ўн беш кунда қилинган иш мутахассислар томонидан қабул қилиб олинаётганлиги учун ҳам ғўза парвариши сифатли ўтказилмоқда.

Ж. МУҲАМЕДОВ.

* * *

БЕКОБОД. 3-«Далварзин» совхози 5-бўлимидаги ўртоқ Н. Тангиров бошлиқ звенода меҳнат авжида. Звено аъзолари қатор ораларига учинчи марта ишлов беришга киришдилар. Механизаторлар қатор ораларига узунасига ва кўндаланга ишлов беришяпти. Шарбат суви оқизишмоқда. Айниқса бу ишда Абдужабборов ва бошқа сувчиларнинг хизмати каттадир. Ҳар бир туп кўчат меҳр билан парвариш қилинмоқда.

А. ЭГАМҚУЛОВ.

* * *

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Райондаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари баракали хирмон кўтаришга астойдил енг шимаришди. Шу кунларда қайси звено ва участкага борманг, деҳқонларнинг тер тўкиб меҳнат қилаётганликларини кўриб қувонасиз. Сўнгги ҳафтада иш унумли анча ортди. Шунинг учун ҳам кўпгина майдонлардаги ғўзалар бегона ўтлардан батамом тозалаб бўлинди. Хўжаликда қатор ораларини иккинчи парвариш қилиш тугалланай деб қолди.

П. ТОЖИЕВ.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик, виночилик совхозининг 1 ва 2-бўлимларида балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Ҳозир икки ҳовузда 8500 дона кичик балиқ ўстирилмоқда.

И. ЭРГАШЕВ.

ШЕР ЙИГИТЛАР, ҲОРМАНГИЗ!

«КЎКОРОЛ» СОВХОЗИДАН РЕПОРТАЖ

«Кўкорол» жуда кўп майдонни эгаллаб ётган адрлар, қирлар ва ҳосилдор ерлардан иборат. Биз мана шу ерларга катта ҳиммат, зўр ихлос, ватанпарварлик ҳисси билан Оржоникидзе районидан келган пахтакорларни йўқлаб кетаяпмиз.

Кўчанинг икки томонидаги дарахтлар соя солиб турибди. Замонавий типда қурилган қатор уйлар, мевали дарахтлар, ток сўриларни девор орқасидан қад кўтарган. Кўркам, ғўзал, зилол қишлоқ... Бу кўриниш қишлоқнинг эртаси. Ҳозир, бу беҳоён массив мисоли Тошкент областининг Мирзачўли... Одамлар ҳиммати кутиб турган ҳосилдор бўз ерлар. Совхоз директори Нажмиддин Ҳакимхонов суюниб «бу йил совхозимиз 2510 гектар пахта, 5000 гектар галла майдонлари, минг бошдан ортиқ қорамол, неча минг беш қўйга эга бўлди, ишчи кучи эвди 400 кишига етди. Бу олтин водий, ҳосилдор, баҳаво, кўркам ерлар ўз эгаларини кутмоқда», дейди.

Машина илгарилаб узоқлардан элас-элас кўринган оқ бошли тоғ томон елиб бормоқда. Йўлнинг икки томони пахтазор, охири, этаги кўринмайди. Ниҳоят катта ариқ бўйига ўрнатилган тўртта палата, битта наридан-бери гувала билан урилиб, шувалмаган ҳужрача ёнига келиб тўхтадик. Бу Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозидан келган Пўлат Ражабов бошлиқ звено аъзолари истиқомат қиладиган жой. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозидан келган Ўктам Мирзадавлатов билан Турсунбой Маҳмаюнусов, Киров номли колхоздан келган Жўлон Эшонқулов, звенонинг сувчилари, «Маданият» колхозидан Адҳам Нусорав билан Тайҳан Турдиқулов звено кетмончилари—мана шу олти ўғлон, олти забардаст йигит шу ерга келдилар. 40 гектар ер олиб нарядсиз звено туздилар. Шартли суғориладиган шу ерлардан ҳар бир ишловчи ҳисобига 14,5 тонна ҳосил етиштиришга бел боғладилар. Олти ўғлоннинг аҳди-паймони шу.

— Турмушларингиз қалай?

— Озиқ-овқатдан камчилигимиз йўқ. Аммо газета, журнал олиб келишмайди, радио эшитмаймиз. Шу томондан бироз қийналаяпмиз, — деди звено бошлиғи.

Дарҳақиқат, бу тўғрида Оржоникидзе райони ва колхоз раҳбарлари, совхоз маъмурияти, партия ташкилоти ўз уй-жойларини, болачақаларини қолдириб келиб фидокорона меҳнат қилаётган бу йигитларнинг маданий дам олишлари, маиший аҳволлари тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Уларнинг ҳолидан хабар олиб турмаганлар.

Оржоникидзе районидан келиб нарядсиз звено тузиб ишлаётганлар ягона эмас. Улар 4 та. Ягонадан, культивациядан чиқарилган ғўзаларга ўғит солиб кетма-кет сув тарамоқдалар. «Қизил Ўзбекистон» колхозидан келган Кўрғонбой Бойматов, Шервой Турғунбоев, «Маданият» колхозидан Йўлчи Мелибоев бошлиқ звено аъзолари ҳам ўз колхозларидаги пахтачилик соҳасида ортдирган тажрибаларига амал қилиб сидқидил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг жавлон уриб фидокорона меҳнат қилаётганларини кўрганда беихтиёр бор бўлинг, олиҳиммат ёш йигитлар, жасур чўлқуварлар дегингиз келади.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БУГУН ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Сўлим ёз оқшоми шаҳримиз кўчаларидан ўтиб бораркансан, баҳор гулларидек нафис газламалардан бежирим либос кийган қиз-жувонларни кўриб қувонасан киши. Бундан айниқса биз, тўқимачилар беиҳтиёр хурсанд бўламиз. Ахир меҳнатинг эл-юртга манзур бўлаётганлиги, сенинг қадоқ қўлларинг шундай нафис гўзаллик яратганини кўриб қувонмай бўладими?!

Биз тўқимачилар ҳақли равишда ўз касбимиз билан фахрланамиз. Кишиларни кийинтиришдек фахрли ишни бажараётганлигимиз билан шодланамиз. Мамлакатимизда тўқимачилар, умуман енгил саноат ходимлари меҳнати ардоқланмоқда. Икки йилдан бери нишонланаётган енгил саноат ходимлари куни бунинг ёрқин далилидир.

Республикамиз фахри ҳисобланган Тошкент тўқимачилик комбинати ҳар суткада ўрта ҳисобда 700 минг метр тайёр газлама чиқаради. Бундан ташқари 144 рангда жилоланадиган иплар ҳам тайёрланади.

Коллективимиз қўлидан чиқаётган маҳсулотлар Ўзбекистондан ташқари, Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Урал, Узоқ Шарқда, Болтиқ бўйи республикаларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, уларни Осиё, Африка ва Европадаги неча ўнлаб мамлакатлар тобора кўплаб харид қилмоқда. Бундай сон-саноғи йўқ мижозларимизнинг талаби йил сайин эмас, кун сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга, халқ дидига мос тушадиган газламалар чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Комбинатнинг пардозлаш фабрикасидан ҳар йили чит, сатин, майя, миткаль, маль маль, дока сингари кўплаб турли-туман артикулли 160—170 нусхада газлама чиқади. Фабриканинг кўзга кўринган рассомлари янгидан-янги нусхалар яратиш, дессинаторлар эса газламаларнинг янги ҳилларини яратиш устида тинмай иш олиб бормоқдалар.

Комбинатда ўтган йили миллий безакларга ғоят бой бўлган «Гулнора» номли янги газлама чиқариш ўзлаштирилди. У Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ штапель ва ип газламалар кўригида аъло баҳоланди. Ижодкорларимиз бу муваффақиятлар билан чекланиб қолмаётирлар, албатта. Изланишлар давом этмоқда.

Ҳозир корхонада Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олган. Тўқимачилар ғайратга ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам комбинат ўтган 5 ойликда барча кўрсаткичлар бўйича планларни ошириб бажариб, қўшимча 1 миллион 947 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди.

Тошкент тўқимачилик комбинати республикада биринчилар қаторида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича формасига ўтиб ишлай бошлади. Биз меҳнатни илмий асосда ташкил қилишга эътибор бермоқдамиз. Ҳозир комбинатнинг деярли барча корхоналарида ана шу усул кенг қўлланилмоқда. Натижада йилига 100 минг сўмлаб маблағ тежалди.

Биз бундан ўрт йил муқаддам Иттифоқимиздаги бир неча корхоналар қаторида беш кун ишлаб, икки кун дам олишдан иборат бўлган янгича усулда ишлашга ўтган эдик. Узоқ муддатли тажриба янги усулнинг ҳар томонлама афзал эканлигини кўрсатади. 1963 йилнинг ўрталаригача комбинат ҳафтада олти кун—уч сменада ишлар ди. Тунги сменада ишлаш анча қийинчиликлар туғдирар ди. Чунки комбинат ишчи ва хизматчиларининг 73 процентини хотин-қизлар ташкил қилади. Комбинатда бир соатда ўрта ҳисобда 24 минг метрдан ортиқ газлама тўқилишини назарга олсак, турли сабаблар билан ускуналарнинг бекор туриб қолиши қанчалик қимматга тушиши ўз-ўзидан маълум.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш корхонада ишлаб чиқаришни икки сменада ташкил қилиш имконини берди. Иккі кун дам олиш ишчи ва хизматчиларнинг мазмунли дам олишларига айниқса, кўпроқ имконият яратиб берди, комбинат ёшлари орасида спортга, ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишга қизиқувчилар кўпайди. Дам олиш кунларини тоғларда, шаҳардан ташқаридаги хушманзара жойларда, бошқа шаҳарларда ўтказиш энди ёшларимиз учун одат тусига кириб қолган.

Фақат республикамизда эмас, балки мамлакат бўйлаб донги кетган машҳур тўқимачиларимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Йўлдошева, Ленин орденли йигирувчи ва тўқувчиларимиз—Буалма Жўраева, Анна Пителова, Мария Алпатова, Садди Пўлатова, Любовь Светашова, Екатерина Сухорукова, мастер ёрдамчилари —Феликс Қосимхўжаев, Абзал Эгамбердиев, Рустам Абдурахмонов, Гофир Қодиров, Тороб Исҳоқов ва бошқалар икки йиллик топшириқни Октябрь 50 йиллигигача, беш йилликни эса В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача бажариш мажбуриятини олиб, меҳнатда минглаб тўқимачиларга намуна бўлаётирлар.

Бугун, Енгил саноат ходимлари кунида бу қалби олов, ваъдасига вафодор йўлчи юлдузларимизни чин юракдан муборакбод қилишни истардим.

А. АЮПОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасида Мавлуда Даманаева-ни ҳурмат қилишади. Тўқувчилик цехининг қўли гул чевари Мавлуда ўз смена ва ойлик топшириқларини ҳамиша 120 процентгача ошириб адо этяпти. У йиллик топшириқни ҳам ўн бир ойда бажариш мажбуриятини олган.

МЎЙНАДЎЗ

Бош кийим цехи. Бу ерда асосийшта меҳнат ҳукмрон. Ҳамма иш билан банд. Муборак опанинг шу цехга келганига мана 17 йил бўлибди. Уша вақтда ҳозир шу цехда ишлаётган ўз шогирдлари ёшида эди. Цехнинг номи ҳам бошқача — намат цехи деб аталарди.

Муборак қўли гул уста Аҳмад ота Толиповга шогирдликка тушди. Кўн-мўйна заводига келган дастлабки кунларданоқ намат ишлаб чиқаришни пухта ўргана бошлади. Ўзи билан ёнма-ён ишлаётган дугоналарига эргашди.

Муборак ўз қўли билан тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати аъло даражада бўлишига тиришади. Бунга эришиш учун тинмай меҳнат қилди, илғор иш усулларини қўллай бошлади. У киритган янгиликлар туфайли цех ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан яхшиланиб борди.

Орадан йиллар ўтди. Муборак Усмонова цех бошлиғи лавозимида ишлай бошлади. Эндликда бутун цех коллективининг тарбиячиси, устози бўлиб қолди. Ўзи ҳам шогирдлар тайёрлай бошлади.

Унинг бутун шодлиги, бутун ташвишлари корхона ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Актив жамоатчи шаҳар Советига икки марта, район Советига уч марта депутат қилиб сайланди.

Ҳозирги вақтда бош кийим цехи корхонанинг фахри ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Бутун коллектив Октябрнинг 50 йиллик юбилейи шарафига муносиб совғалар тайёрлаш учун астойдил меҳнат қиляпти.

О. НИЕЗОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Пойтахтдаги тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикасининг илғор ишчиси Зинанда Болдировани ўнгдаги суратда кўриб турибсиз. У коммунистик меҳнат зарбдори, актив жамоатчи. Юбилей шарафига олган мажбуриятларини ошириб бажаяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

● ◆ ●

Мана бу пастдаги сурат граммпластинкалар заводида олинган. Арофат Йўлдошева (чапда) ва Турсуной Худойберганованлар янги чиққан пластинкаларни текширишдан ўтказишяпти.

И. Зайнуддинов фотоси.

ЯНГИЙЎЛ МАРКАСИ

Корхонамиз неча йиллардан бери турли хил пойафзал ишлаб чиқаради. Бу маҳсулот республикамизда, шунингдек ундан ташқарида ҳам манзур бўлаяпти. Бу бежиз эмас, албатта.

Айниқса кейинги йилларда халқимизнинг диди, талаби тобора ўсиб бораяпти. Кишиларимиз эндиликда магазинда нима бўлса, ўшани сотиб олиб, фойдаланадиган вақтлар орқада қолиб кетди. Эндиликда улар енгил саноат маҳсулотларининг сифатига катта эътибор берадилар. Жумладан, пойафзалнинг сифатига бўлган талаб ҳамиша ортиб бораяпти. Кишилар аввало пойафзалнинг пишиқ бўлишини, унинг енгил ва бежирим тикилишини, кўркамлилигини ҳисобга оладилар.

Ана шу замон талаблари корхонамиз коллективи зиммасига масъулиятли вазифалар юклямоқда. Ҳозирда фабрика аҳли фақат аъло сифатли, кўринишли чиройли ва бежирим, янги моделдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқариш учун астойдил меҳнат қилаяпти. Бизда тикилаётган пойафзал турлари йил сайин кўпайиб бораяпти.

Агар бундан 10—15 йил муқаддам корхонада ишлаб чиқарилган пойафзал тури 10 тадан ошмаган бўлса, эндиликда замонавий моделларда 20 турда кунига 4 минг жуфт пойафзал тайёрланади.

Ўтган икки йил ичида корхонада 2 та катта цех қуриб битказилиб, ишга туширилди. Уларда неча ўн минглаб жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатиляпти. Келаси йили эса 31—34 размердаги яъни мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган пойафзалнинг ўзидангина 250 минг жуфт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 6-цех ишга туширилади.

Ҳозирги кунда коллективимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун курашяпти.

Бу йил пландан ташқари 98 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарамиз — аҳдимиз ана шундай. Бунинг бажарилишига ишончимиз комил. Негаки, шу йилнинг ўтган беш ойдагина 41 минг сўмлик ўрнига 58 минг сўмлик пойафзални планга қўшимча равишда тайёрлаб, истеъмолчиларга жўнатдик. Бу 11 мингдан ортиқ пойафзал демакдир.

Пойафзалнинг янги моделлари ҳам кўплаб ўзлаштирилаяпти. Шу беш ой ичида 19 та янги модель бўйича пойафзал тикишни ўзлаштирдик.

Корхонада янгича иш шароитига ўтган 2-цех коллективи бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаяпти. Улар май ойида ўз планларини анча ортиғи билан адо этдилар, планда кўрсатилганидан 200 жуфт кўп оёқ кийими тайёрладилар. Июнь ойининг охиридан бошлаб эса бу цех қайта реконструкция қилинади. Негаки, ҳозирги вақтда минг донагача пойафзал ишлаб чиқариш учун етарли даражада ҳўл-чарм қуритиб берадиган линиялар талабга жавоб бермай қолди. Реконструкция вақтида ана шунга аҳамият берилади.

Корхонанинг бошқа цехлари ҳам 2-цехдан қолишмай меҳнат қилишяпти. Улар юбилейни ёруғ юз билан кутиб олиш мақсадида материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат ва моддий ресурсларни кўплаб иқтисод қилиш борасида муайян ютуқларга эришяпти. Ҳозирги вақтда фабрика ўн кун ичида иқтисод қилиб қолган материаллар эвазига бир кун маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

Хуллас, Янгийўл пойафзалчилари кишиларимиз диди ва талабига мос тушадиган оёқ кийимлари ишлаб чиқариш учун чинакам ҳаракат қилаяпти. Биз Енгил саноатчилар кунида ўз ҳамкасбларимизга шундай мурожаат қиламиз: биз тикаётган ҳар бир жуфт пойафзал пишиқ, бежирим ва кўркам бўлсин.

З. САМИҚЖОНОВ,
Янгийўл пойафзал фабрикасининг бош инженери.

САРДОР БИНОКОР

Хожиакбар катта йўл ёқасидаги тротуардан қурилиш майдони томон илдам қадам ташлаб борар экан, яқиндагина қад кўтарган осмонўпар биноларга фахр-ифтихор билан боқар эди. У ана шу биноларни тиклашда ўзининг муносиб ҳиссаси қўшилганлигини эслар, қалби эса қувонч тўлқинлари билан тошгандек туюларди. Эҳ-ҳе, Хожиакбар қўлидан шунча лик иш келиб, эл ҳурматини кўзингунча озмунча йўлларни босиб ўтдими?

...Ёшлик чоғлари эди. Ўзи қатори ўспиринлар билан кўча чангитиб юрган вақтлари. Бирорта ғишт тераётган ёки девор қураётган устага назари тушса, унинг тепасида қолиб кетарди, устанинг чаққон қўлларидан нигоҳини узмасди. Ҳа, уста бўлиш, бинокор бўлиш орзуси ёш Хожиакбарнинг мурғак қалбига ана ўша вақтдаёқ ўрнашиб қолганди. Ана шу илк орзу уни ўрта мактабни битиришдек Тошкент тоғ техникумининг қурилиш факультетига етаклаб келган эди. Техникумда олган назарий билимини ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида ҳаёт тажрибаси билан мустаҳкамлади. Ў Совет Армияси сафида қурувчи сифатида хизмат қилди. Армия сафидан қайтгач, Хожиакбар 4-қурилиш бошқармасига оддий ишчи бўлиб кирди. Кейинчалик ғишт теришни ўрганди. Хожиакбарнинг меҳнатга, ўз севган касбига бўлган меҳри коллектив эътиборини тортмасдан қолмади. Хожиакбар Юнусов тез орада ўзининг ишқ якуни ва сифатида ҳам ўз аксини топди. Ҳозир бригадаларнинг ҳар бир аъзоси кам деганда икки-уч касбни эгаллаб олишган. Ана шунинг учун ҳам бундан уч йил муқаддам қурилиш бошқармасида Хожиакбар Юнусов бошлиқ бригада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олишга муяссар бўлди. Бригада коллективи бу улуғ муборак номни покиза сақлаб, кунлик, ойлик топшириқларини 130—140 процентгача ошириб адо этиш билан бирга, тежамкорликда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Шунинг учун бўлса керак, бошқармада энг муҳим ва масъулиятли қурилиш участкаларини коммунист Юнусов бошлиқ бригадага топширишади. Дарҳақиқат «Ўзгипротяжпром», «Ўзгипрогор», «Ўзхладторгмонтаж» институтларининг муҳташам биноларини ана шу бригада қўли билан қад кўтарган.

Жонажон пойтахт шаҳримизда юз берган табиий офат бошқа бинокорлар қатори Юнусов бошлиқ бшигада аъзоларининг ҳам иш сўръатини янада оширишга даъват этди. Улар ўз ишларини қайта ташкил этиб, янада унумлироқ ва сифатлироқ ишлаш ташаббусини бошлаб бериб, ўз аксини топдилар. Ана шунинг учун ҳам бундан уч йил муқаддам қурилиш бошқармасида Хожиакбар Юнусов бошлиқ бригада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олишга муяссар бўлди. Бригада коллективи бу улуғ муборак номни покиза сақлаб, кунлик, ойлик топшириқларини 130—140 процентгача ошириб адо этиш билан бирга, тежамкорликда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Шунинг учун бўлса керак, бошқармада энг муҳим ва масъулиятли қурилиш участкаларини коммунист Юнусов бошлиқ бригадага топширишади. Дарҳақиқат «Ўзгипротяжпром», «Ўзгипрогор», «Ўзхладторгмонтаж» институтларининг муҳташам биноларини ана шу бригада қўли билан қад кўтарган.

Жонажон пойтахт шаҳримизда юз берган табиий офат бошқа бинокорлар қатори Юнусов бошлиқ бшигада аъзоларининг ҳам иш сўръатини янада оширишга даъват этди. Улар ўз ишларини қайта ташкил этиб, янада унумлироқ ва сифатлироқ ишлаш ташаббусини бошлаб бериб, ўз аксини топди. Ана шунинг учун ҳам бундан уч йил муқаддам қурилиш бошқармасининг бош инженери И. У. Гайдукова, партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси А. С. Сааков, прораб А. Зафаров, қўйингчи қайси раҳбар билан суҳбатлашманг улар, бир оғиздан унинг номини қурилиш аълочиси, ўзига ҳамда ўртоқларига нисбатан талабчан принципиал, камтар ўртоқ сифатида ҳурмат билан тилга олишади.

Шу боисдан ҳам қурилиш бошқармаси коллективи бу йил март ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайловларда унн бир овоздан пойтахт шаҳар Совети депутатлигига сайлашди. Хожиакбар Юнусов бу ишончни оқлаш, Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун Октябрь революцияси номли завод ишчилари ва 153-трестга қарашли 1-қурилиш бошқармаси бригадири Раҳим Зияевнинг бошлаб берган шахсий ташаббусига қўшилди. Хожиакбар бошлиқ бригада аъзолари ўз юбилей йили планини белгилаб олишди. Улар меҳнат шароитини яхшилаш, ёрдамчи иш процессларини механизациялаш, меҳнат унумдорлигини энг камида беш процентга ошириш ва ҳар бир ишчининг кундалик иш нормасининг 150—160 процент бажарилишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Хожиакбар Юнусов бошлиқ қўлигул бинокорлар шу кунларда Луначарское шоссесида ўзлари тиклаётган 64 квартирали бинони муддатидан 10 кун илгари фойдаланишга топшириш, навбатдаги 80 квартирали бино қурилишини бошлаб юбориш, юбилей кунигача бу бино пойдеворини тиклаб, қўйиш учун кунни тунга, тунни кунга улаб меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек улар йил охиригача 8 минг дона ғишт, 10 кубометр қурилиш материалларини тежаб қолиш, ёш ишчилар малакасини ошириш ишига ҳам катта эътибор бериб келишмоқда.

Ишонамизки, сўзи билан иши бир бўлган, қўлигул бинокорлар сардори Хожиакбар Юнусов бошчилик қилаётган бригада азаматлари бу соҳада ҳам ўз сўзларининг устидан чиқишади.

И. ВИННЕР.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

УЛУҒ МУТАФАККИРГА АТАБ

Ҳозир қаерга борманг, қайси ёрда бўлманг юбилей шарафига социалистик мусобақалар қизғин бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Республикамиз меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги ва доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўраётган шу кунларда жаҳон адабиётининг буюк санъаткори, ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутаффакири Алишер Навоий туғилган кунга 525 йил тўлиши муносабати билан уни ёдга олмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги 173-ўрта мактаб педагогик коллективининг ташаббуси билан яқинда 3-Чарх-Камолон маҳалла клубида улкан сўз санъаткорига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечага ота-оналар, кутубхона ходимлари, қўшни мактаблардан вакиллар иштирок этдилар.

Кечани мактаб директори М. Ҳакимов очди. «А. Навоийнинг ёшлик ва ўқувчилик йиллари», «Навоий ижодий фаолиятининг бошланиши», «Шоирнинг Самарқанд ва Астрободга сургун қилиниши», «Навоий ва халқ оғзаки ижоди» деган темаларда 9-синф ўқувчиларидан А. Ҳошимов, Х. Шоднев, М. Саидумарова, М. Хўжаевалар гапириб бердилар. Кечада мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Еқутой Умарова «Навоий таржия ҳақида» деган мавзуда мазмунли доклад қилди.

Минбарга Ўзбекистон халқ шоири Ўйғун кўтарилди. У Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» драмасининг ёзилиш ва ўқувчилик йиллари», «Навоий ижодий фаолиятининг бошланиши», «Шоирнинг Самарқанд ва Астрободга сургун қилиниши», «Навоий ва халқ оғзаки ижоди» деган темаларда 9-синф ўқувчиларидан А. Ҳошимов, Х. Шоднев, М. Саидумарова, М. Хўжаевалар гапириб бердилар. Кечада мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Еқутой Умарова «Навоий таржия ҳақида» деган мавзуда мазмунли доклад қилди.

Минбарга Ўзбекистон халқ шоири Ўйғун кўтарилди. У Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» драмасининг сўнг янги ёзган шеърларидан ўқиди. Шунингдек шоир Зоҳиджон Обидов ҳам болаларга атаб ёзган шеърларидан ўқиб берди.

Кеча охирида мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган «Алишер Навоий» ҳамда «Юрак сирлари» пьесаларидан парчалар кўрсатилди.

О. ҚОБИЛЖОНОВ.

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Бундан икки йилча муқаддам маҳаллада бирон йиғин ўтказадиган бино уёқда турсин, уч-тўрт киши йиғилиб суҳбат қуралган жой ҳам йўқ эди. Бу ҳол маҳалла кексаларини кўпдан ташвишлантириб юрар эди. Улар ёш-ялангларни, активларни йиғиб, маҳаллани ободонлаштириш масаласини ўртага ташлашди.

— Ахир маҳалламиз, кўчаларимиз обод ва кўркам бўлиб турса кимнинг фойдаси,— деб гап бошлади йиғинда маҳалла комитетининг собиқ раиси Еқуб ака Расулав,— албатта, ўзимизнинг. Хўш, шундай экан, биз нимани кутиб ўтирибмиз ёки маҳалламизни бошқа биров келиб обод қилиб беришн, клуб қуриб бериши керакми. Йўқ. Маҳалламизда ёш-ялангларнинг кўп. Агар бизлар кўпчилик бўлиб бир ёқадан бош чиқариб, бу ишни ўз қўлимизга олсак, маҳалламиз ҳам обод, дилимиз хушнуд бўлади.

Хуллас шу кунги йиғинда маҳалла қарияларидан Х. Маҳкамов, Х. Қурбонов, Ж. Мирюсупов, А. Тўлаганов каби отахонлар маҳалланн ободонлаштириш учун ишни нимадан бошлаш лозимлиги ҳақида фойдали фикрларни айтиб ўтишди.

Ана шу йиғин бўлиб ўтгандан буён орадан фақат икки йилгина вақт ўтди. Сўзи билан иши бир бўлган маҳалланинг жонкуяр кексалари, активлари ободонлаштириш соҳасида талайгина тадбирларни амалга оширишди. Биринчи навбатда маҳалла жамоатчилиги ўша йиғинда ўртага ташланган клуб ва чойхона қурилишига астойдил қўл уришди. Клуб қурилишига маҳалла комитетининг раиси Ҳошим аканинг ўзи бош-қош бўлиб турди. Маҳаллада бирор киши бу ҳайрли ишдан ўзини четга тортгани йўқ. Уларнинг бири ёғоч чопган бўлса, иккинчиси ғишт терди, яна бири сувоқ қилган бўлса, яна бошқаси ром ясади. Тез кунда клуб ҳам ўз қаддини ростлади.

Клубни тиклаш ва маҳалла кўркига кўрк қўшишда Турсун Кенжаев, Гофир Маҳкамов, Ҳайрулла Усмонов, Файзи Нодиров каби ўртоқлар, айниқса, ташаббускор бўлишди. Ҳозир бу клуб маҳалла аҳолисининг маданий дам оладиган жойи бўлиб қолди. Ў ерда қизил бурчак ташкил қилинган. Маҳалла ёш-ялангларн кечқурун ишдан кейинги пайтларда шахматшашка, газета-журналлар ўқиб боришади. Кексалар эса чойнак чой устида ўз тенгдошлари билан ширин, мазмунли суҳбат қуриб, ҳордиқ чиқаришади. Клуб ҳовлисидаги ранг-баранг анвойи гулларни айтмайсизми? Кишн қалбига, дилига аллақандай завқ таратувчи ҳид думоққа урилади.

Маҳалла жамоатчилигининг бошлаган хайрли иши фақат клуб билан тугагани йўқ. Улар ўз кучлари билан маҳаллада озиқ-овқат магазини ҳам қуриб олишди. Бундан ташқари тўй-ҳашамларда ишлатиладиган турли асбоблар сақлаш учун кичик бинона ҳам қуриб олишди.

Маҳалла комитетининг навбатдаги йиғилишларидан бирида комитет раиси Ҳошим ака Қурбонов Кўкчадаги Вилоят қабристонини обод қилиш учун шанбалик ўтказиш ҳақида гапириб қолди. Унинг бу таклифи ҳам маҳалла аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланди. Бу шанбаликда худди шу куни маҳалла аҳолисидан 150 га яқин киши қатнашди.

Октябрь районидаги Қизил-товуш маҳалла жамоатчилигининг ободонлаштириш соҳасида бошлаган хайрли ишларидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Улар шунингдек маҳалла ёшлари ўртасида таълим-тарбия масаласига ҳам катта эътибор беришяпти. Шу муносабат билан маҳаллада ахлоқ, медицина ва халқаро темаларда тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб туришади. Бу эса маҳалланинг ҳар бир фаолиятида ёшларнинг одобида, маҳалланинг кўркида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» таҳририятидан ўтган

«ДАЗМОЛ КЎТАРИБ»

Шундай сарлавҳа остида босилган мақолада Ўрта Чирчиқ районидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатидаги мавжуд камчиликлар танқид қилинган эди. Айниқса колхоз ва совхоз меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш талабга мутлақо жавоб бермаётгани, масалан, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган дазмол ва бошқа хил электр асбоблари ҳам бузилиб қолгудек бўлса, Тошкентга боришга мажбур бўлаётганликлари очиб ташланган эди.

Ана шу мақолага область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Г. Дубровскийнинг имзоси билан жавоб олдик.

Жавобда айтилишича, мақола маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи ўртасида муҳокама қилинган ва мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбир-чоралар кўрилган. Жумладан, Тўйтепа поселкасида дазмол, самовар, холодильник ва бошқа уй-рўзғор буюмларини тузатадиган иккита, соат тузатадиган 4 та устахона ишга туширилган.

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг бошлиғи қаттиқ огоҳлантирилган ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан кўрсатма берилган.





Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига қарашли ядро физикаси институтида Иттифоқимиздан ва чет давлатларидан келган олимларнинг учрашувлари бўлиб туради. Бу ерда ядро физикасига оид бир неча марта Бутуниттифоқ ва халқаро симпозиумлар бўлиб ўтган.

Институт биноси, лабораториялар, атом реакциясининг эксперименталь устахоналари, циклотрон, гулзорларга ўралган майдонда жойлашган. Суратларда: (чапдан ўнгга), институтнинг атом реактори, атом реактори пультида бош инженер-оператор Ҳафиза Яҳёева, ғўза тупларини тажриба усулда экиш пайти.

А. Поляков ва А. Горокрик фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОҚТОШНИНГ ОҚ ЧАШМАСИ

Оқ халатли қиз-жувонлар кечки согинни ичишмоқда. Иш кийим-ларини ечиб, бирин-кетин машинага чиқа бошлашди.

Ирис ака билан нима ҳақдадир баҳслашаётган Мамлакат дугоналарининг «тезроқ» деганини ҳам эшитмади. Хайрлашиб, машинанинг охирги ўриндиқларидан бирига бориб ўтирди.

— Мамлакат сал хомушроқ кўринадими, қизлар?

Дугоналар ялт этиб унга ўгирилишди. Жимликни яна Ҳадичанинг ўзи бузди.

— Ўша «оласи» хафа қилган бўлса керак-да...

Мамлакат индамади, аммо бошини тебратиб, «ҳа» деган ишорасини билдирди. Дугоналарнинг дилдаги қизнинг кўнглини бироз кўтаргандай бўлди. Машина гувиллаб, тоғ бағридан секин жила бошлади. Соғувчилар уйларига жўнаб кетишмоқда эдилар.

Ирис ака машина кетидан қараб қолар экан, бугун подани қаёрларга ҳайдаганини бирма-бир эслади: тушгача тизза бўйи келадиган ўтлоқларда ўтлатилди. Тушда-ҳаво айни исиган пайтда ҳаммасини бир жойга йиғди. Молларга ковуш қайтариб, ором олишди. Кейин яна янги ўтлоқларга ҳайдади. Майсалар, ўтлар бўлса тўйимли. Бу жиҳатдан сира кам-кўст йўқ. Оқтош тоғининг пода боқиладиган барча қирлари тажрибали молбоқарга беғ панжасидек аён. Кечқурун бўлса подани тоғ ёнбағридаги молхонага ҳайлаб келди.

Ирис ака шуларни хотирдан ўтказар экан, кутилмаганда «э, ҳа» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Айтгандай подани сувга ҳайдаганда Мўҳаббатнинг мижози нозик «ола»си кўринмовдия». Катта нуқсонга йўл қўйган кимсадек, унинг юз-кўзларида афсус шу билан бирга ачиниш аломатлари пайдо бўлди.

Чорвачилик—тоғ бағрида жойлашган «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида асосий тармоклардан бири. Сут, гўшт, тухум ва жун маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда ферма коллективи кўлга киритаётган ютуқлар қувончлидир. Ўтган йили мамлакатга пландагидан 200 центнер кўп сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етказиб берилди. Бузоқ олиш ва молларнинг бош сони плани ва бошқа топшириқлар ҳам ортиғи билан бажарилди.

— Бу даставвал партия ва ҳукуматимизнинг чорвадорлар тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрликлари натижаси бўлса, иккинчидан сут согувчи ва молбоқарлар ижодий меҳнатларининг самарасидир, — дейди ферма ҳисобчиси Нормирза Ирисматов. — Фермамизда чинакам меҳнат қилаётган сут согувчилар, молбоқарларимиз кўп. Улар илғор тажрибаларга амал қилади. Ҳар куни меҳнатдан ҳулоса чиқариб, эртаги иш режаларини белгилашади.

Фермада сут булоғини кўпайтиришда иқтисодий омил катта роль ўйнаяпти. Бу ерда чорвадорларга маош ўз вақтида берилиб турипди. Илғор согувчилар — Мамлакат Нормирзаева, Ҳадича Умарова, Дилбар Иброҳимовалар ҳар ойда 120—140 сўмдан пул олмоқдалар.

Ферма коллективининг юбилей йилдаги режалари яна ҳам катталдир. Чорвадорлар бу йил давлатга 270 тонна сут, 80 тонна гўшт сотишни планлаштирганлар. Шу кунларда фермада бўлган киши қайнок меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Сут согувчи ва молбоқарлар юбилей шарафига фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мамлакат Нормирзаева, Ҳадича Умарова, Тозагул Аҳмедова, Маъмура Юсупова каби моҳир сут согувчилар, Ирис Норимбетов, Норбой Иброҳимовга ўхшаган тажрибали молбоқарларнинг меҳнатлари туфайли ҳар куни 900—1000 ўрнига 1200—1250 килограммдан сут согиб олинмоқда. Ярим йиллик план муваффақият билан бажарилди. Ферма коллективи бу йил бир килограмм сут таннархини мўлжалдагидан 2 тийинданга арзонлаштиришга, чорвачиликдан 340 минг сўм фойда олишга аҳд қилганлар. Тадбиркорлик билан қилинаётган меҳнат бунга имкон яратиб бермоқда. Хозирнинг ўзидаёқ бу соҳада 150 минг сўмдан кўпроқ даромад олинди.

Чорвадорлар қўлга киритилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхозда ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. Ферма бўйича бу йил 800 тонна беда, 2000 тоннадан кўпроқ сомон ва дағал-ҳашак жамғарилиши керак. 3300 тонна силос бостирилади. Ем хашак бригадаси беданинг биринчи ўримини тугаллади. Мўлкўл пичан йиғилмоқда.

Колхоз чорвадорлари «Оқтош» тоғининг поёнси қирларида, серўт яйловларида оқ чашма-сут булоғини кўпайтириш учун жонбозлик намуналари кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Озод ИСКАНДАРОВ.
Оржоникидзе райони.

САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛАДИ

Ям-яшил пайкалларда юбилей йилининг дастлабки ҳосили пишиб етилган. Сабзаводкор деҳқонлар билан кучи сарфлаб, маржон-маржон тер тўкиб етиштирган баракали ҳосилларини шаҳарлик биродарларига тақдим этмоқдалар.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг кўпгина илғор бригада ва звеноларида сабзавот экинларидан кўтарилаётган хирмон мўл бўляпти. Бу илғор агротехника усулларини омилжорлик билан жорий этилаётганлигининг ёрқин самарасидир.

Хўжаликнинг Ҳаким Фозилов, Жалол Алимов, Рихсибой Йўлдошев сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган пешқадам бригадаларининг сабзаводкорлари бу йил ҳар йилгидан ҳам кўп ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишяпти. Ҳозир карам, редискадан баракали хирмон кўтарилиб, ҳосилнинг пеш узилгани шаҳарга пеш жўнатиб турилибди.

И. ЎРИНБОЕВ.

Иқбол Бўриева — Калинин районидаги Ленин номли колхозининг пешқадам сут соғувчиси. У Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги юбилейини катта меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кун сайин ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаяпти. Сут согиш бўйича берилган ойлик ва квартал топшириқларини ортиғи билан бажариб келаяпти. Суратда: ўртоқ И. Бўриева.

А. Абалян фотоси.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

АРАБ ХАЛҚЛАРИНИНГ АДОЛАТЛИ КУРАШИ ТАНТАНА ҚИЛАДИ

ИСРОИЛ АГРЕССИЯНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БАЙРУТ, 9 июнь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари ҳавфсизлик кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги қарорларини ва қўшинларни аввалги позицияларига қайтириб олиб кетиши тўғрисидаги ҳаққоний талабларни назар-писанд қилмай, бугун Сурия ва Миср фронтларида уруш ҳаракатларини давом эттирдилар. Бирлашган Араб Республикаси, Сурия ва Иордания ҳавфсизлик кенгашининг қарорига жавобан, башарти Исроил ўт очишни тўхтатган тақдирда уруш ҳаракатларини тўхтатишга рози эканликларини билдиргانликларига қарамай, Исроил агрессив ҳаракатларни давом эттирди.

Бугун эрталаб Дамашқдан олинган маълумотларга қараганда, Исроил томони қисқа муддат учун мўлжалланган яраш аҳлини сурбетларча бузган. Маҳаллий вақт билан соат 9 дан 15 минут ўтганида Исроил артиллерияси Сурия қўшинларини ўққа тутди, Исроил авиацияси эса, Сурия қуролли кучларининг олдинги сафдаги позицияларини ва аэродромларини яна бомбардимон қилди. Дамашқ радиоси соат 12 дан 50 минут ўтганида Исроил қўшинлари танк ва артиллерия ёрдамида аҳоли яшайдиган Бухайрат ва Насария пунктлари томон ҳужум қилабошлаганини маълум қилди.

Сурия артиллерияси ана шу нигоятларлик ҳаракатларига жавобан, душман қўшинлари тўпланган жойларни ўққа тутишга мажбур бўлди. Соат 13 га яқин Дамашк осмонида Исроил самолётлари пайдо бўлди. Бу самолётлар зенит артиллериясининг ўти билан қувиб юборилди.

Қоҳирадан олинган хабарларга қараганда, Исроил ҳарбийлари Миср ва Сурия қарши агрессияни давом эттирганлар. Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг МЕН агентлиги томонидан туш пайтида тарқатилган ахборотда айтилишича, Исроил қўшинлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳавфсизлик кенгашининг ўч очишни дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги резолюциясига қарамай, Бирлашган Араб Республикасининг қуролли кучларига қарши ҳужумларини, Сувайш канали зонасига ҳаводан қилинаётган ҳужумларни давом эттирмоқдалар.

Исроил раидосининг эшиттирган хабарларидан маълум бўлишича, Исроил қўшинлари бугун Сурия тупроғига бостириб кирганлиги Тель-Авивда эълон қилинган.

Исроил қўмондонлиги Исроил қўшинлари Сурия қисмларига ҳужум қилмоқ учун Тивериад кўлига олиб борадиган йўлга чиқиб олганликларини хабар қилди.

ПРЕЗИДЕНТ НОСИР БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 9 июнь. (ТАСС). Президент Жамол Носир бугун Қоҳира радиоси орқали сўзлаган нутқида «Ўзини барча расмий лавозимлардан соқит қилишга, ҳар қандай сиёсий фаолиятдан воз кечишга, халқ сафига қайтиб, у билан бирликда ўз бурчини адо этишга тамомила ва тўғал қарор қилганлигини» айтди.

Президент Носир конституция қоидасига мувофиқ, республика президенти лавозимини вице-президент Закария Муҳиддин ўз зиммасига олади, деди, деб хабар беради, МЕН агентлиги.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА: ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШУВЧИ ЧЕХОСЛОВАК ВА СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ИЙГИЛИШИ

Чехословакиянинг Прешов шаҳрида тинчликни ҳимоя қилувчи чехословак ва совет кишиларининг тантанали йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш Лидица қишлоғи гитлерчи фашистлар томонидан ер билан яксон қилинган кунинг 25 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди.

Йиғилишда тинчликни ҳимоя қилувчи совет кишилари делегацияси ҳозир бўлди. 30 кишидан иборат бу делегация Чехословакия тинчлик ҳимоячилари комитетининг таклифига биноан, Чехословакия Социалистик Республикасига келган эди.

ВАРШАВА: ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

Польшанинг Познань шаҳрида «Октябрь революциясининг 50 йиллиги» виставкаси очилди. Совет Иттифоқининг тарихи ва муваффақиятларига бағишланган ҳар хил этикеткалар ва марка коллекциялари виставкага қўйилди.

СОФИЯ: БОЛГАРИЯДА СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Болгарияда «Кавказ асири» фильми кўрсатилиши билан совет фильмлари ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталик совет маданияти кунлари планига мувофиқ ўтказилмоқда.

Враца шаҳрида ҳафталикнинг очилишига бағишланган тантанали кеча бўлди. Бу тантаналарда совет кинорежиссерларидан Леонид Гайдай ва Йўлдош Аъзамов ҳамда артист Наби Раҳимовлар қатнашди.

Болгар кино томошабинлари бу ҳафталикда «Тўлқинлар устида» деган янги фильмни кўрадилар. Бу фильмни совет ва болгар кино арбоблари биргаликда тайёрлаганлар.

Маршал Амир истеъфо берди

ҚОҲИРА, 9 июнь. (ТАСС). МЕН агентлигининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикасининг биринчи вице-президенти ва қуролли кучлар олий бош қўмондонининг ўринбосари маршал Абдул Ҳаким Амир ўз лавозимларидан истеъфо берган.

ҚОҲИРАДА АҲВОЛ

Президент Ж. А. Носир ўз нутқида истеъфо беришн тўғрисида эълон қилгандан кейин, дарҳол Бирлашган Араб Республикаси пойтахтида халқ чиқишлари ва намойишлар бошланди. Уларда араб социалистик иттифоқи ёшлар ташкилотининг аъзолари, студентлар, касаба союз аъзолари, аҳолининг бошқа табақалари вакиллари иштирок этдилар. Телеграф агентликларининг хабар беришига кўра, намойишларнинг қатнашчилари Ж. А. Носирни қўллаб-қувватлажаяклари н и изҳор қилганлар. Қоҳира радиоси миллат мажлисининг шошилинч йиғилиши ўтказилажагини эълон қилди. Барча депутатлар парламент биносига келишлари зарур.

Қоҳира радиоси президент Ж. А. Носир халқ намойишлари муносабати билан истеъфо бериш тўғрисидаги ўз аризасини кейинга қўйди, деб хабар қилди. Унинг аризаси миллат мажлисининг йиғилишида кўриб чиқилади. Носир Қоҳира аҳолисини тўла осойишталикни сақлашга чақирди. Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг шошилинч мажлиси ўтказилди.

ТАСС—Франс Пресс-рейтер агентликлари.

АВСТРАЛИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

СИДНЕЙ, 9 июнь. ТАСС махсус мухбири **В. Хмара** хабар беради:

Бугун бу ерда Австралия Коммунистик партиясининг XXI съезди очилди. 118 делегат, шунингдек Австралия Компартияси Марказий Комитети сўнгги составининг аъзолари мамлакатдаги барча штатлар ва территориялар коммунистларининг вакилларидир.

Австралия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Лори Аароиз съездда ҳисобот доклади қилди. Бизнинг съездимиз, деди Аароиз, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган икки байрамни — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Марксниг доҳиёна асари «Капитал» нашр этилган кунинг 100 йиллиги нишонланадиган йилда ўтаяпти.

Докладчи айтдики, Австралия коммунистлари халқаро вазият кескинлашган ва Қўшма Штатларнинг империалистлари озодлик ҳамда мустақиллик учун курашга отланган халқларга қарши бирин-кетин фитна уюштираётган бир пайтда ўз съездини ўтказмоқдалар. Австралия ҳам ўз мамлакатидаги ҳукмрон доираларнинг хохиши билан Вьетнамдаги разил мустамлакачилик урушида қатнашмоқда.

Монополистлар, деб таъкидланади докладда, Австралия меҳнаткашларининг ҳуқуқларига кенг кўламда ҳужум қилмоқдалар ва уларни кўп йиллар мобайнида олиб борилган қаттиқ синфий жангларда эришган айрим ғалабаларидан маҳрум этишга уринмоқдалар. Солиқ ва нарх-наво ўсиб бормоқда. Бунинг натижасида реал иш ҳаки камайиб, халқнинг турмуш даражаси пасайиб бормоқда.

УРУШ ОЛОВИ ЎЧИРИЛСИН

ВАРШАВА. Исроилнинг Бирлашган Араб Республикасига сурбетлик билан қилган ҳужуми бутун 31 миллионлик полян халқининг қаҳр ва ғазабини қўзғатиб юборди. Польша меҳнаткашлари араб халқларининг адолатли кураши билан бирдам эканликларини айтмоқдалар ва Исроил агрессиясининг курбонини батамом қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет ҳукуматининг Исроил ҳукуматига баёноти бутун полян матбуотининг диққат марказида турибди. «Трибуна люду» газетаси Совет ҳукумати Исроил ҳукуматининг агрессив сиёсатини қаттиқ қоралаганлигини таъкидлайди. Польшада чиқадиган бошқа газеталар Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги можаросини бартараф қилишга қаттиқ бел боғлаганлигини уқтириб ўтмоқдалар.

РИМ. Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг баёнотини «Унита» газетаси «уруш тўхтатилсин» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди. «Ҳавфсизлик Кенгаши бир овоздан қабул қилган ҳамда Исроил билан араб мамлакатларининг ўт очишни тўхтатишга даъват қилган резолюция, — дейилади баёнотда, — масалани ижобий ҳал қилишнинг асосидир. Биз Италия коммунистлари Яқин Шарқда кескинлик бошланган ҳамоно ана шундай талабни қатъиян қувватлаб чиққан эдик... Сулҳ музокаралари бошламоқ учун ўт очишни тўхтатиш ва ҳамма уруш ҳаракатларини тўхтатиш ниҳоятда зарур. Бу музокаралар империалистларнинг кирдикорлари ва фисқу-фужурларидан ҳоли бўлган вазиятда Ўрта денгиз бўйидаги халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик бўлишини енгиллаштирган ва тинчлик ўрнатиш имкониятини берган бўлур эди».

Италия коммунистлари халққа яна мурожаат қилиб, интервенция тарафдорлари билан урушқоқ кучларни янгалаб қўйиш, империализмнинг Яқин Шарқдаги, Вьетнамдаги ва бутун дунёдаги агрессив сиёсати йўлини беркитиб қўйиш мақсадида тинчлик учун курашишга даъват қиладилар.

РАВАЛПИНДИ. Африка-Осиё биргамлиги комитетининг ташаббуси билан Равалпиндида Исроилнинг араб шарқидаги агрессиясига қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Понистон Миллат мажлисининг аъзоси Азизур Раҳмон митингда сўзга чиқиб, Яқин Шарқдаги можаро Исроил билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги можаро бўлмай, балки империализм билан Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ўртасидаги можаро эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу можаро, деди у, империалистик давлатларнинг Осиё ва Африка халқларига қарши фитнаси натижасида келиб чиқди. Ҳозирги уруш империалистик давлатлар келтириб чиқарган урушгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, уларнинг раҳбарлиги остида олиб борилаётган уруш эканлигини араб шарқидаги кейинги воқеалар кўрсатиб берди, деб таъкидлади Азизур Раҳмон.

ИСРОИЛ НИМАНИ НИШОНГА ОЛДИ

ВАШИНГТОН, 9 июнь. ТАСС мухбири В. Вашедченко хабар беради: Исроилнинг торпеда катерлари ва самолётлари 8 июнда Ўрта денгизда Америка ҳарбий-денгиз флотининг «Либерти» кемасига ҳужум қилдилар.

Бу можаро очиқ денгизда Синай ярим оролидан 13 миля шимолда бўлиб ўтди. Америка ҳарбий кемаси командасидан 10 киши ўлди ва 100 киши ярадор бўлди.

Ана шу ҳужум тўғрисида шошилинч суратда юборилган маълумотлар дарҳол президент Жонсон столи устига етиб борди. Давлат секретари Раск ва АҚШнинг бошқа юқори мартабадаги ҳарбий ва сиёсий раҳбарлари билан бир қанча кенгашлар ўтказилди. Раск ана шу можаро тўғрисида конгресс раҳбарларини хабардор қилди. Ҳужум қилинган районга дарҳол Американинг икки эсминси ва ҳарбий самолётлари юборилди.

Американинг ҳарбий кемасига Исроилнинг торпеда катерлари ва самолётларининг айнан ўзлари ҳужум қилганлиги дарҳол маълум бўлмади ва бу ҳол Вашингтонда ғоят кескин вазиятни вужудга келтирди.

Исроил ҳукумати Исроилнинг торпеда катерлари ва самолётлари «янглишиб» Америка ҳарбий кемасига ҳужум қилганлигини кейинчалик Қўшма Штатларга маълум қилди.

ДАНИЯ. Скандинавия мамлакатларида велосипед транспорт сифатида кенг қўлланилади. Мактаб ўқувчиларидан тортиб, қарияларгача ҳамма велосипеддан фойдаланади. Эмизукли болани велосипедга ўтқазиб бўлмайди, бироқ, ушбу суратда тасвирланган она бунинг ажойиб ва қулай йўлини топди.

Нордфото — ТАСС фотоси.

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ГУЛ—ГҮЗАЛЛИК РАМЗИ

ҚЎМСАШ

Пойтахт. Одамлар ниҳоят
гавжум.
Одамлар тўдасин ёриб ўтаман.
Нигоҳлар жимирлаб кетади бир
зум.
Гоҳ янглиш кимнингдир қўлин
тутаман.
Кечиринг, кўзимга иссиқ
қўриниб,
Шаҳардош дея ўйлабман сизни.
Ширин хаёлларга гоҳо берилиб,
Унутиб қўярдим баъзида ўзни.
Борлиқ ҳам ўзгариб кетгандай
зимдан,
Барчаси эришроқ туюлар ҳар
гал.
Кишилар шошилиб ўтар
ёнимдан,
Яна хаёлларга беришар сайқал.
Севмоқни истадим, бор меҳрим
билан,
Пойтахт кўчаларин ҳар
қадамида.
Салом, пойтахтим! — дейишим
билан,
Туғилган қишлоғим эсланар
қалбдан.

Дилором ТОЖИЕВА.

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Нуъмон Юнусов ким? У қандай қилиб бундай тубанлик, маънавий нопоклик кўчасига кириб қолди? Бу аянчли аҳволнинг юз беришига кимлар айбдор?

...Нуъмон болаликдан турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб ўсди. У ота-она меҳридан бевақт айрилди. Лекин, ота-онасининг вафотидан кейин Нуъмон яккаланиб қолмади. Совет кишилари, ҳукуматимиз боланинг пешонасини силаб ўстиришди.

Қариндош-уруғлари ва яхши кишилар кўмагида Нуъмон мактабни тугатиб, Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтида ўқиди, олий маълумотли инженер бўлди. Тошкент темирйўл бўлимида, ишчан, ғайратли Нуъмон Юнусовни Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Темирйўлчилар коллективида у ҳамкасбларининг ҳурматини қозониб, йўл хизмати бошқармаси партия ташкилотига икки марта секретарь қилиб сайланди.

Нуъмоннинг болаликдаги орзулари ушалди: у ўқиб, илм олди, инженер бўлди, яхши ишга жойлашди, партияга ўтди, коллективга бош бўлди. Энди Нуъмонга фақат бир нарса — оилавий бахт керак эди. Кўп ўтмай, Нуъмоннинг бу озуси ҳам ушалди. У кўнглидаги бир қизни севиб, уйланди. Эйди дунёда энг бахтиёр кишилардамман, деб ўйлади у.

Лекин афсуски, бу бахт узоққа бормади. Нуъмон бахтиёр турмушнинг қадрига етмади. Бахтини ўз қўли билан пайҳон қилди. Оилавий турмуш даврида Юнусов табиатидаги шу пайтгача кўринмаган иллатлар очила бошлади. У ёш хотининг маънавий поклигига ишонмай, ҳадеб шубҳаланаверди. Охири севимли хотинини ташлаб чиқиб кетди.

Нуъмон умр йўлида иккинчи бир қизни учратди. Унга ҳам кўнгил бериб уйланди. Ёш келин-куёв фарзанд кўришмагани учун болалар уйидан жажжи бир чақалоқни тарбиясига олишди. Бола бор уй қувноқликка тўлади, бундай хонадонда одатда гина, жанжал ҳам бўлмайди. Лекин, Нуъмоннинг кўнглини яна ўринсиз шубҳалар кемираверди. Унга хотини хиёнат қилаётгандай туюлаверди. Инженер кўча хандон, уй зиндон бўлиб, хотинини ҳақоратлай бошлади, унинг аёллик қадр-қимматини ерга урди. Хотини уйдан ташқарида ҳеч ким билан суҳбатлашмаслиги, ишдан бир дақиқа ҳам кечикмай келиши зарур эди. Аёлнинг бирор иши чиқиб, сал кечикса, у дўппослайверди.

Нуъмоннинг тинимсиз ҳақоратларидан аёл асаб касаллигига йўликди. Инженер уйидан хотини ва фарзандини ҳайдаб чиқарди.

Тўққиз йилдан бери Нуъмоннинг ҳақоратларига чидаб келган аёл охири темирйўл бошқармасининг партия ташкилотига арз қилишга мажбур бўлди. Темирйўл ҳаракати хизматининг партия бюроси коммунист Юнусовнинг бу ишига юзаки қаради, уни ҳал этишга узоқ вақт эътибор бермади.

Орадан кўп ўтмай, Нуъмоннинг уйида Н. исмли учинчи хотин пайдо бўлди. Бу гал у ЗАГСсиз иш битирди.

Нуъмоннинг кейинги оилавий турмуши қандай кечганлигини тасвирлаб ўтирмаймак. Газетхонларни фақат шу учинчи хотиннинг йўл бошқармаси партия ташкилотига ёзган шикояти билан қисқача таништирмоқчиман.

«Мен Юнусовга ЗАГСдан ҳам ўтмай турмушга чиқиб, нодонлик қилган эканман, — деб ёзади Нуъмоннинг хотини. — Бирга яшай бошлаганимиздан кейин кўп ўтмай унинг муносиб эр ва оилапарвар эмаслигини тушундим. Юнусовнинг ҳақоратлари туфайли, мен бор бисотимни ташлаб, унинг уйидан кетишга мажбур бўлдим. Мен у билан яшаб, ёш умримни ҳазон қилишни истамайман. Лекин, у қилмишлари учун коллектив олдида, партия ташкилоти олдида жавоб бериши керак».

Бу, партия ташкилотига Юнусов устидан тушган иккинчи ариза эди. Лекин, афсуси аввалги шикоят ҳам, кейингиси ҳам жавобсиз қолди. Йўл ҳаракати бўлими ва партия комитети дилозор Юнусовнинг ишига, партия аъзосининг ножўя ишларига бепарволик билан қарашди.

Йўл ҳаракати бўлимининг партия бюроси Юнусовнинг биринчи ва иккинчи хотини ёзган арзномани архивда сақлаб, унинг учинчи хотини юборган шикоят хатини ҳам мажлисда юзаки муҳокама қилди. Календарев, Азимов, Чурсина, Горбачев, Шарипхўжаевлар қатнашган партбюро мажлисида коммунист Юнусовнинг хулқатвори, маънавий қиёфаси эмас, негадир фақат учинчи хотининг буюмларини қайтариб бериш ҳақида гап борди.

Сал илгарироқ йўл бошқармаси партия комитети Юнусов ишини текшириш юзасидан комиссия тузган эди. Комиссия аъзолари Передеренко, Чурсина, Муҳаммаджонова, Рогов ва Аванесовлар инженер Юнусовнинг қилмишлари совет кишиси ва партия аъзосига бутунлай номувофиқ. Нуъмон бу иши учун партиявий жазога тортилиши керак, деб хулоса чиқарган эдилар.

Негадир партбюро мажлисида комиссия хулосаси ҳам эътиборга олинмади. Йўл хизматининг бошлиғи Азимов партия сафларининг софлигини сақлаш ўрнига, унга ёмон доғ туширган Юнусовни қизиқиб оқлай бошлади.

— Юнусовни ким танимайди? — деб сўзлай кетди бошлиқ. — Ишлигидан етим ўсган, ота-она меҳрини кўрмаган. Биринчи уйланганини биламан, Тўғри, унинг омади келмади. Лекин, бошқа хотинлари ҳақида эшитган эмасман. Аслида Юнусов жуда ғайратли ходим. Ишда сира танбеҳ олгани йўқ... Уйлаб кўрмай уйлансанг, шунақа иш-кали чиқар экан. Ҳар ҳолда хотининг буюмларини қайтариб бериш керак.

Бошқарма парткомининг яна бир аъзоси Однлов ҳам бефамлик билан: «Аёлларнинг ўзлари Нуъмонга пашшадай ёпишади», деди. Партбюро секретари Календаров ҳам коммунист Юнусовнинг ахлоқий қиёфасига бефарқ қаради. Секретарь бу ҳақда бонг урмади, кўнгилсиз, ғоят ташвишли бу фавқулодда ишдан йўл ҳаракати бўлимининг барча коммунистларини хабардор қилиши лозим эди. Лекин, Календаров партия уставининг бу қоидасини бузиб, ишни енг ичида бости-бости қилишга уринди.

Фақат Юнусов иши юзасидан прокуратура материалларни юборганидан кейингина партия комитети райком топшириғи билан тўғри йўл тутди. Бошқарма партия комитети Юнусовни ахлоқий нопоклиги, аёллар қадр-қимматини ерга урганлиги учун партия сафидан ўчиришга қарор қилди.

Ҳар бир коллектив, партия ташкилоти коммунистларнинг софлиги учун курашмоғи лозим. Токи, коллективнинг ҳар бир аъзоси софдил ва меҳнатсевар бўлсин.

Д. КОЗЛОВ,
Ленин район партия комитетининг бўлим мудири.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ЧИГАНОВ УСТАХОНАСИДА

Сўнгги вақтларда нашр этилаётган бадиий асарлар линогравюра расмлари билан чиройли қилиб безатилмоқда. Бу китобхонга асарда олга сурилаётган фикр ва ғояларни тезда пайқаб олишга сабабчи бўлса, иккинчи томондан кишининг эстетик завқининг ўсишига ёрдам беради.

Линогравюралар яратиш устида катта маҳорат талаб қилади. Линогравюра ўйиш — игна билан қудуқ қазиқ демакдир.

Серқуёш республикамизда бир неча линогравюра яратувчи моҳир усталар борки, уларнинг номларини халқимиз севиб тилга олади. Ана шундай усталардан бири Григорий Чигановдир.

— Юбилей йилида, — дейди Г. Чиганов — «Ўзбекистон» сериясидаги бир неча гравюралар яратиш ниятидаман. Бу серияга 15 та гравюра кириб, тема ва жанр жиҳатидан бир-бирига ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон» сериясидаги линогравюралардан бешта си тайёр бўлди. Булар «Бахтли бобо», «Азизим— тўйиб-тўйиб ич!» ва бошқалар.

«Азизим, тўйиб-тўйиб ич!» номли гравюра ҳозир Ўзбекистон рассомлари асарлари билан Монреалда намойиш қилинмоқда.

Яқинда Григорий Чиганов Енисей дарёлари бўйлаб кезди. Ленин номи билан боғлиқ бўлган жойларни бориб кўрди. Катта ижодий режалар орттирган Г. Чиганов «Ленин ишлаган ва ижод қилган жойлар» темаси устида иш олиб бормоқда.

Моҳир линогравюрачи Г. Чиганова ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Суратларда: «Бахтли бобо» ва «Азизим, тўйиб-тўйиб ич» расмларидан фоторепродукция.

ЖИЙДАЛАР

Юрагимни тортасиз,
Ўтсам ҳаргал жийдалар,
Кўзларимга ёнасиз
Ҳар гал ял-ял жийдалар.
Йўл бошида онамдек
Кузатасиз ҳар куни,
Қайтган чоғим онамдек
Кўз тутасиз ҳар куни.
Шунинг учун мадҳингиз
Янграр ҳар вақт тилимда,
Сизга таъзим этаман
Ҳурмат сақлаб дилимда.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

СЕН ГУЛ БЎЛСАНГ

Сен гул бўлсанг, капалаксимон
Мафтунингман, сенга эй жонон.
Боқгил гулнинг умрига сен боз,
Ҳаётнигни этмагин қиёс.
Йўқ капалак демагил асло,
Сен ўзингсан мен учун танҳо.
Ошиқмасман ҳуснингга бирдам,
Маҳлиёман гул юзингга ёр.
Қошингдаман сен билан ҳардам
Ишқинг билан бағримда баҳор.

Мухтор РАЗЗОҚОВ.

АЖОЙИБ КАШФИЁТЛАР

Донецкда уникал вентилятор яратилди. Унинг ёрдамида энг чуқур шахталарни ҳам шамоллатиш мумкин. Установка ҳар минутда 30 минг кубометрга яқин ҳавони шахтадан чиқара олади ва секундига 25 метр тезликда эсувчи шамол пайдо қилиб бўрон ҳосил этиши мумкин.

Янги вентилятор кончиларнигина мамнун қилиб қолмай, металлург ва химикларнинг ҳам юксак баҳоларига сазовор бўлди.

ГРАММПЛАСТИНКА УХЛАТАДИ

Маълумки, ухлатувчи таблеткалар киши саломатлигига зиён етказади. Ана шуни ҳисобга олиб Польша психологлари бошқа бир тадбирни кашф этдилар. Ҳозир Варшава медицина адабиётлари нашриёти магазинларга киши асабларини тинчлантирувчи текстлар ёзилган граммпластинкаларни чиқарган. Текст майин, кишини аллаловчи музика билан ҳамоҳанг янграйди. Пластинка қўйилгач, орадан 15 минут ўтганидан сўнг юз кишидан тўқсон тўққиз киши уйқу оғушига кетган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Анҳор бўйи сўлим-сўлим.

А. Палехов фотоэтюди.

ЭЛЛАДАЛИК МЕҲМОН

Шу кунларда Грециядa бўлаётган воқеалар барча демократик кучларни ҳаяжонга солиб ти. Ҳокимият тепасига келган ҳарбий фашист диктатура океан ортидаги хомийларининг йўл-йўриғи билан мамлакатдаги прогрессив кучлар, антифашист партиялар ва адиблар қувғин қилинмоқда.

Ҳарбий хунтанинг тазйиқи натижасида бир неча йирик асарларнинг автори ёзувчи Костас Кодзяс ҳам вақтинча бўлса-да, ўз Ватанини ташлаб, чет элга кетишга мажбур бўлган эди. Ҳозир у Совет Иттифоқида турибди. Греция прогрессив адабиётининг вакили Костас Кодзяс ўзининг бир неча романлари, пьесалари ва киносценарийлари билан совет китобхонларига ва кино томошабинларимизга яқиндан таниш. Унинг «7-забой», «Туманли осмон» романлари совет китобхонларининг ҳам севимли асарлари бўлиб қолган. Ўртоқ Костас Кодзяс сценарийси асосида экранларга чиқарилган «Орзулар квартали» фильми томошабинлар томонидан яхши баҳоланди.

Куни кеча грек адиби «Совет Ўзбекистони» газетаси журналистларининг меҳмони бўлди. У билан бўлган учрашувда «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияларининг ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Ўртоқ Костас Кодзяс Тошкентга келишдан олдин яқиндагина Москвада ўз ишини тамомлаган СССР Ёзувчиларининг съездида қатнашиб, съезд қатнашчиларига Грециядa бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳаяжонланиб гапириб берган эди.

Ёзувчи, журналистлар билан бўлган учрашувда ҳам грек ватанпарварларининг ҳозир ҳокимият тепасида турган фашистлар режими олдида бўйин эгмаётгани, уларни на қийноқ, на қамоқ лагерлари қўркита олмаслигини сўзлаб берди. Ўртоқ Костас Кодзяс журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Грек адиби билан журналистларнинг учрашуви ғоятда самимий, дўстона бир вазиятда ўтди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 июнда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

10.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Концерт** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 11.40—**Мультфильмлар** (болалар учун). 12.00 — **Телеспектакль** (болалар учун).

Ўзбек тилида 13.25 — **Ёш куч** (болалар учун спорт программаси). 14.05 — **Лочин** (болалар учун телеинсценировка). 14.40 — **Бадиий фильм.** 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Бугун туғилган кун** (болалар учун кинофильм). 17.20 — **Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.**

Рус тилида: 18.20 — **Телевизион янгиликлар** 18.35 — **Қурувчиларнинг телевизион клуби.** 20.25— **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.30 — **Тошкент пиёласи** («Ёшлик» студияси). 20.55 — **Телевизион янгиликлар.** 21.10— **Ҳакима опа** (телеочерк). 21.20 — **Концерт.** 22.00— **Адабиёт ва санъат** (тележурнал).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

10.55 —**Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Физика. Иш, қуват, энергия** (ўзбек тилида). 12.05 — **Математика. Планеметрик масалалар тузишга доир.**

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/VI да **Аяжонларим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кундуз соат 12 ва кеч 9 да).

Ўлдиришни истамаган эди — СОВИР РАҲИМОВ номли «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да).

Уз уйим — «Капонобана» — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Розмари — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уқ — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қочоқ — «ЧАЙКА» (кундуз соат 3, 5 ва кеч 7 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳўжа Насриддиннинг 12 қабри — «УДАРНИК».

Севги давоси — «1 МАЙ».

Ўлдиришни истамаган эди. — «ФЕСТИВАЛЬ».

«С» шаҳрида — КАФАНОВ номли.

Кундузги сеансга иккита билет — ТЕЛЬМАН номли.

Бригададаги афсунгар — «ВАТАН».

«Электромонтаж»нинг ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электромонтёр-монтажчи бригадирлар, электромонтёр-монтажчи касбини ўргатиш учун мутахассислиги бўлмаган граждан ва ўқувчилар, кабел ётқизиш бўйича ишчилар (иш ҳақи гарантияланади). **ишчилар, омбор ишчилари, юкчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳри, 7, Черкасс кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (3-трамвай, 28, 50-автобусларнинг «Врачлар малакасини ошириш институти», 1, 2, 4, 20, 41-автобусларнинг «Салор» остановкалари).

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

12 июнь кеч соат 6 ярмида Совет Иттифоқи биринчилиги учун

«Олга» (Фрунзе) — «Политотдел» (Тошкент области).

«А» класси командалари ўртасида

Ф У Т Б О Л

УЗУМ ПАЙРОВИ

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Ўзбек халқ ижоди кўп томлигида аския тўпламн ҳам бор. Бунга халқимиз ўртасида кенг тарқалган пайровлар киритилган. Аския пайровларини қунт билан тўплашда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг старший ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Расулжон Муҳаммадий катта илмий, ижодий иш олиб бормоқда.

Қуйида биз шу тўпламдан баъзи пайровларни, ҳурматли газетхон, сизнинг ихтиёрингизга ҳавола қилаётирмиз.

СОТВОЛДИ АКА — Турдиали ака, узумзорингиз жуда шинам экан, атайлаб сайрга келдик-да.

ТУРДИАЛИ АКА — Заб келибсизлар-да, баковли афандини, хоҳланг узум енг, хоҳланг шаналоқ.

ИБРОҲИМЖОН — Боғда **киши-миши** йўқми, яна **юмалоқ** қилиб ташламай!

СОТВОЛДИ АКА — **Чилги** чумай, урай деб қопти-ю, ҳали ҳам токларни боғлатиб олмабсиз.

ИБРОҲИМЖОН — Тагида офтоб кўринмайди десам, ҳалиям хомток қилдирмаган экансиз-а!

СОТВОЛДИ АКА — Токларингиз палапартиш десам, кузда ходалатмаган экансиз-да!

ИБРОҲИМЖОН — Узумга нега шира тушибди десам, баҳорда ярмигача оқлатмаган экансиз-да!

СОТВОЛДИ АКА — Энди, узумни яхши сақлайман десангиз, токларнинг ўртасига битта **қурчоқ-коровул** қўйинг.

ТУРДИАЛИ АКА — Бўлмасам, битта эски телпакни тескари ағдариб сизга кийгизиб қўяйми?

ИБРОҲИМЖОН — Узумни чумчуқ емасин десангиз, ўзингизни узумзор ўртасида қўлингизни қимирлатиб **қўғирчоқ** бўлиб туринг.

СОТВОЛДИ АКА — Узумни чумчуқ еб кетармикин. Турдиали ака богнинг ўртасида **учириб** турсалар.

ИБРОҲИМЖОН — Агар чумчуқлар емасин десангиз, қурчоқнинг ўрнига ўртага битта **пакир осиб** қўйинг.

ТУРДИАЛИ АКА — Безовта қилиб қўярмикинман, бемаҳал дангиллатавериб.

СОТВОЛДИ АКА — Яхшиси шақилдоқ-да!

ИБРОҲИМЖОН — Бор бригадири Эргашбой ака сиздан ҳафа, узум парваришн ёмон, дангасаларни ишлатмапти, деб.

ТУРДИАЛИ АКА — Шу гапга битта ўғитчи керак эди.

ҒАНИЖОН — Жўрахон ака, ўзингизни парвариш қилиб юрибсизда, бўлмаса илгарироқ кесилиб кетардингиз!

ЖУРАХОН АКА — Билсангиз хомток қилинг-да, бу йил мева қиладиган новдаларни ҳам кесиб қўйибсиз!

ҒАНИЖОН — Биладиган одамга ток кестиринг-да, эски узум деб қўнда қилиб қўйипти-ку!

ЖУРАХОН АКА — Биладиган одамга хомток қилдирингда, мана бағларини биттаям қолдирмаган экан, бор-йўғингизни ҳам офтоб уриб кетипти.

ҒАНИЖОН — Нега бу йил мева қилмадингиз десам, баҳорда қўполроқ одам очипти шекилли, бор куртагингизни тўкиб юборган кўринади.

ЖУРАХОН АКА — Бўлмаса энди кўнглингизни хотиржам қилинг, бу йил кузда сизни ўзим кўмиб, баҳорда ўзим очаман.

ҒАНИЖОН АКА — Аммо мен сизни ўнақа қилмайман, бундай қарасам, ўлгудек аймаки бўлиб қопсиз!

МАМАРОЗИҚ АКА — Ўнақа бўлса, дарров парҳиш қилинг, баҳорга чиққанда етқизган жойидан кесиб ташлайсиз.

ЖУРАХОН АКА — Ғанижон ука, анави ёнингиздаги яхши узум эди-ю, Қўқонда ари талаб, шу аҳволга тушиб қопти-да!

МАМАРОЗИҚ АКА — Ғанижон, анави ҳам яхши узум эди-ю, қалтак тагида қолган экан-да!

ҒАНИЖОН — Қалтак тагида қолгани учунми шуурғани деб ўтирипти.

ЖУРАХОН АКА — Энди осиб қўймасам, бўлмади, кўзи чароғдай бир очилсин!

МАМАРОЗИҚ АКА — Кўзи шунақа бўлиб очилган бўлса, аспагина, эрталаб **узилган** экан-да!

ЖУРАХОН АКА — Бекор узилди-да, бу — **осиладиган** хилидан эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01859 Индекс 64970 А. 1878.